



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِهِ الْأَكْرَمِ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ أَمَّا بَعْدُ

ТИЛ ОФАТЛАРИ

(ғийбат, бўҳтон ва ёлгон ҳақида)

Муҳтарам азизлар! Маълумки, тил инсоннинг энг муқаррам, шу билан бирга, энг хатарли аъзоси ҳамдир. Агар инсон уни яхшиликка ишлатса, улкан ажр-мукофотларга эга бўлади, бордию ёмонликка ишлатса, уни ортидан маломатга қолиши тайин. Инсонни абадий саодатга эришиб, жаннатга кириши ёки бахтсиз бўлиб, дўзахга киришининг ҳам асосий сабабчиси – тилидир. Сўзнинг аҳамияти шунчалик муҳимки, инсон биргина сўзи билан мусулмон бўлиши ёки диндан чиқиши, инсонлар ўртасини ислоҳ қилиши ёки бузиши мумкин. Аллоҳ таоло тилни ёмонликлардан сақлаб, тўғри сўз бўлишга тарғиб қилиб, Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا يُصْلِحْ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ

وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا

яъни: “Эй, мўминлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва тўғри сўзлангиз! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират этар. Кимки Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас, у улуг ютуққа эришибди” (Ахзоб сураси 70-71 оятлар).

Ақлли одам гапиришдан олдин айтадиган сўзини яхшилаб ўйлаб, текшириб, кейин сўзлайди. Агар инсоннинг тили тўғриси ва тарбияланган бўлса, бошқа аъзолар ҳам соғ-омон ва хотиржам бўлади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

﴿إِذَا أَصْبَحَ ابْنُ آدَمَ، فَإِنَّ الْأَعْضَاءَ كُلَّهَا تُكْفِرُ اللِّسَانَ، تَقُولُ: اتَّقِ اللَّهَ فِينَا، فَإِنَّمَا نَحْنُ بِكَ: فَإِنِ اسْتَقَمَّتْ اسْتَقَمْنَا وَإِنِ

اغوجت اغوججنا﴾ (رواه الإمام الترمذي عن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه)

яъни: “Одам боласи тонг оттирганда, тана аъзоларининг ҳаммаси тилга танбех бериб: “Бизнинг тўғримизда Аллоҳдан қўрқ! Биз (нима аҳволга тушсак ҳам), сен сабабли (тушамиз). Агар тўғри бўлсанг, биз ҳам тўғри бўламиз. Агар эгри бўлсанг, биз ҳам эгри бўламиз” дейишади” (Имом Термизий ривоятлари).

Дарҳақиқат, тилни сақлаш – нақадар гўзал амал! Инсон тилини сақласа, ҳалок бўлмайди. Солиҳлардан бири шундай деган: “Гап ҳам дорига ўхшайди. Агар уни меърида ичсанг, фойда беради. Агар уни кўпайтирсанг, ўлдиради”.

Азизлар! Агар киши тилига эрк бериб, ўйламасдан гапирадиган бўлса, тили орқали энг катта гуноҳ бўлган ғийбат, бўҳтон, ёлгон гапириш, чақимчилик ва бошқа ишларга мубтало бўлиши аниқ.

Ғийбат ва бўҳтон. Ғийбат ҳам тил офатларининг каттаси бўлиб, ҳозирги кунда бу катта гуноҳ билан кўпчилик мубтало бўлгандир. **Ғийбат** – бир кишини йўқлигида унга ёқмайдиган гап (сифат) билан ёдга олишидир. Ғийбат – ислом шариатида қатъий ҳаром қилинган амалдир. Ислом уммати ғийбат ва чақимчиликни ҳаром деб ижмоъ қилган. Ғийбат ҳақида Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай деган:

﴿وَلَا يَغْتَبِ بَعْضُكُم بَعْضًا أَيُّبُ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ﴾

яъни: “**Бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан қўрқингиз!**” (Ҳужурот сураси 12-оят).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло ғийбатдан қайтариб, уни ўлакса гўштини ейишга ўхшатмоқда. Табиийки, инсон ўлаксадан жирканади. Шундай экан, бошқаларни ғийбат қилиб, обрўсини тўқишдан ҳам мусулмон киши худди ўлакса гўшtidан жиркангандек жирканиши лозим.

Ғийбатнинг таърифи ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

﴿“أَتَدْرُونَ مَا الْغَيْبَةُ؟” قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: “ذِكْرُكَ أَخَاكَ بِمَا يَكْرَهُ” قِيلَ أَفَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ فِي أَخِي مَا أَقُولُ؟ قَالَ:

“إِنْ كَانَ فِيهِ مَا تَقُولُ، فَقَدْ اغْتَبْتَهُ، وَإِنْ لَمْ يَكُنْ فِيهِ فَقَدْ بَهْتَهُ”﴾ (رواه الإمام مسلم عن أبي هريرة رضي الله عنه).

яъни: “**Ғийбат нима эканлигини биласизларми?**” – дедилар. Саҳобалар: “Аллоҳ ва Расули билгувчироқдир”, – деб жавоб бердилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Ғийбат – бир биродарингизни орқасидан ўзи эшитса ёмон кўрадиган сифат билан гапиришингиздир**”, – дедилар. Шунда улардан бири: “Агар биродаримда мен айтган ўша сифат бор бўлса ҳам ғийбат бўладими?” – деб сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам эса: “**Унда бор айбни айтган бўлсангиз, ғийбат қилган бўласиз. Агар сиз айтган сифат унда бўлмаса, бўҳтон қилган бўласиз**”, – деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривоятлари).

Демак, бировнинг айбини ошкор қилувчи сўзни тўғри бўлса ҳам, айтиш жоиз эмас экан. Чунки ғийбат бўлади. Агар ёлғон бўлса, тухмат ва бўҳтон бўлгани учун, гуноҳи ҳам икки ҳисса бўлади.

Қиёмат куни ғийбатчини аҳволи оғир бўлади. Бу ҳақда Абу Умома ал-Боҳилий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “**Кишига савоблари ёзилган китоби очиқ ҳолда берилади. У: “Эй Раббим, фалон-фалон савобли ишларим қани, саҳифамда йўқ-ку?” – дейди. Шунда унга: “Одамларни ғийбат қилганинг туфайли уларни ўчириб, ғийбат қилинганларнинг амал дафтарларига ёзиб қўйдим**” – дейди” (Ибн Ҳиббон ривоятлари).

Демак, ғийбатчи Қиёмат куни савобли амалларидан маҳрум бўлиб, ғийбат қилинган кишиларнинг гуноҳлари ғийбатчининг устига юкланар экан.

Шуни унутмаслик керакки, инсонларни, айниқса уламоларни ёмонотлик қилиб, ғийбат қилиш, улар ҳақида бўҳтон сўзларни айтиш, ҳар хил ҳақоратли расмларни ишлаш бу катта гуноҳ ва динимизнинг илдицига болта уриш ҳисобланади. Чунки халқ олиму уламодан дину диёнат, сабр-тоқат ва қаноат, қолаверса, одоб-ахлоқни ўрганади. Уларни халққа ёмон кўрсатиш – Аллоҳнинг динига душманликдан бошқа нарса эмас!

Шариатимиз кўрсатмаларига кўра, кўпчиликка зарари етадиган фирибгар, товламачи ва гуноҳ ишларни ошкора қилиб юрадиган кимсалар ҳақида одамларни

огоҳлантириш учун гапиришга рухсат берилган. Сабаби, одамлар уларнинг зарарларидан огоҳ бўлсин ва уларга эргашмасинлар. Бу ҳақда Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадиси шариф ривоят қилинган. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

﴿مَنْ أَلْفَى جَلْبَابَ الْحَيَاءِ فَلَا غَيْبَةَ لَهُ﴾ (رَوَاهُ الْإِمَامُ ابْنُ مَاجَهَ عَنْ أَبِي سَلْمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни: **“Ким ҳаё ёпинчигини улоқтирган бўлса, уни гапириш гийбат ҳисобланмайди”** (Имом Байҳақий ривоятлари).

Ҳасан ал-Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтидилар: **“Бидъат аҳлини гапириш – гийбат эмас”** (“Шарҳу усули аҳли сунна вал-жамоа” китоби).

Демак, кўпчиликни тўғри йўлдан оздираётган кимсаларни ҳаммага ошкор қилиб, одамларни ундан сақланишга даъват қилиш гийбат ҳисобланмайди.

Қолаверса, ҳозирги кунда ижтимоий тармоқлар орқали бемазҳаблик ва аҳли сунна вал жамоа эътиқодидан бошқа нотўғри эътиқодларга кўпчиликни жалб қилаётган кимсаларнинг зикр қилиб, улардан бошқаларни огоҳлантириш ва уларнинг ботил фатволарига алданмасликка чақириш асло гийбат бўлмайди.

Ёлғон. Маълумки, ёлғон гапириш динимизда оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Афсуски, ҳозирги кунда ёлғон сўзлаш оддий бир ҳолга айланиб қолганлигига кўп ҳолларда гувоҳ бўлмоқдамиз. Аллоҳ таоло ёлғон гапни кимлар гапиришини баён қилиб шундай марҳамат қилган:

﴿إِنَّمَا يَفْتَرِي الْكَاذِبُ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْكَاذِبُونَ﴾

яъни: **“Ёлғонни фақат Аллоҳнинг оятларига имон келтирмайдиганларгина тўқирлар. Ана ўшалар ўзлари ёлғончилардир”** (Наҳл сураси 105-оят).

Ёлғон сўзлаш ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам:

﴿إِذَا كَذَبَ الْعَبْدُ، تَبَاعَدَ الْمَلِكُ عَنْهُ مِثْلًا مِنْ نَفْتٍ مَا جَاءَ بِهِ﴾ (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ عَنْ ابْنِ عَمْرِو بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْهُمَا)

яъни: **“Қачонки киши ёлғон гапирса, фаришта у гапнинг сассиқлиги сабаб бандадан бир мил масофага узоқлашади”**, – дедилар (Имом Термизий ривоятлари).

Тасаввур қилинг, кишини муҳофаза қилиб турадиган, ундан ҳеч ажралмайдиган фаришталар ёлғончидан узоқлашар эканлар. Бошқача қилиб айтганда, ёлғончининг фариштаси бўлмайди.

Ростгўй инсон жаннатга кириши ва у Аллоҳ таоло ҳузурда “сиддик” деган мақом билан сифатланишини эшитган ҳар бир мусулмон, шубҳасиз, ростгўй бўлишга интилади. Ҳамма ростгўй бўлса, жамият ҳаёти ижобий томонга ўзгаради. Уламоларимиз: “Ростгўйлик – дилингдаги ҳақиқатни тилингда чиқаришингдир”, дейишган. Демак, ибодатда, инсонлар билан муомалада, олди-сотди, никоҳ ва бошқа масалаларда кишининг дили билан тили бир бўлиши лозим.

Муҳтарам жамоат! Бугунги кунимизда энг асосий муаммога айланган иллатлардан бири – ёлғон ахборотдир. Айниқса, ижтимоий тармоқларда турли асоссиз маълумотларни тарқатиш, турли бўҳтонлар ва уйдирмаларни асоссиз равишда урчитиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Айрим соддадил мусулмонлар мана шундай уйдирмаларга ишониб, ёлғон ва бўҳтонга шерик бўлиб қолмоқдалар. Масалан, куни-кеча ижтимоий тармоқларда: “2021 йилда Рамазон ойи 12 апрелдан бошланади. Буни иложи борича ҳаммага тарқатинг! Пайғамбаримиз айтганлар: “Ким бир инсонга Рамазон ойи кириб келиш санасини биринчи бўлиб эслатса, дўзах олови ўша инсон учун ҳаром қилинади” деган мазмундаги гапни

ҳадис деб тарқатилди. Ваҳоланки, бундай мазмунда ҳадис йўқ! Бу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга тўқилган уйдирмалардан биридир.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда: **“Албатта, менга ёлгон тўқиш бошқа бировга ёлгон тўқишдек эмас. Ким менга ёлгонни билиб туриб тўқиса, дўзахдан ўз ўрнини тайёрлайверсин”** – дейилган. Уламоларимиз тўқима ҳадисларни айтиш ва тарқатишдан қаттиқ қайтарганлар.

Шундай экан, бундай ёлгон хабарлар, тўқима ривоятларни тарқатиб юрганлар тавба қилишсин ва оддий-асоссиз гапларни “ҳадис” деб тарқатишни тўхтатишсин!

Яна бир ёлгон хабар: ўтган ҳафта Сирдарё вилоятининг бир қатор туманларида Тожикистон ва Ўзбекистон чегарасида жойлашган “Баҳри тожик” (Қайроққум) сув омборида тўғон бузилгани ва сув тошқини келаётгани ҳақида ваҳима ижтимоий тармоқларда тарқалди. Бу ёлгон маълумотдан ташвишланган баъзи кишилар уйларида узокроққа кетиш учун ҳаракатга тушган бўлса, яна бир қисми ярим тунгача кўчада ўтирган.

Азизлар! Шунини таъкидлаш керакки, ҳар бир соҳанинг ўз масъул ва мутасаддилари бор. Улар ўз соҳасига тегишли ишлар билан доимий машғул. Шундай экан, қаердан бир хабар келиб қолса, унга ишониб кетавермасдан, хабарни аниқлаштириш учун соҳа мутахассисларига мурожаат қилиш лозим.

Шунини унутмаслик керакки, одамлардан эшитган нарсасини суриштирмай гапиравериш гуноҳ эканига қуйидаги ҳадиси шариф ҳам яққол далил ҳисобланади:

﴿كَفَى بِالْمَرْءِ كَذِبًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ﴾ (رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه)

яъни: **“Ҳар бир эшитган нарсасини гапириш кишининг ёлгончи эканига етарли бўлади”** (Имом Муслим ривоятлари).

Қайс ибн Абу Ҳозимдан ривоят қилинади: Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг **“Ёлгондан эҳтиёт бўлинглар, ёлгон албатта имондан четлатувчидир”** деганини эшитдим.

Катта гуноҳларга сабаб бўладиган ғийбат ва ёлгонни баъзи ғаразли кишилар жамиятда фуқаролар ва давлат орасига ихтилоф солиш учун ҳам ишлатмоқдалар. Бунинг оқибатида ишончсизлик, адоват, низо ва фитна келиб чиқади. Шундай экан, оила, маҳалла ва юртда фитнага сабаб бўладиган сўзлардан ва иғво хабарларни тарқатишдан эҳтиёт бўлайлик!

Хулоса қилиб айтганда, бизга неъмат қилиб берилган тилимизни эҳтиёт қилиб, сўзлашдан олдин аввал ўйлаб, кейин сўйлашимиз айна муддаодир. Уни фақат икки дунёимизни обод қиладиган хайрли ишларга сарфлашимиз лозимдир.

Аллоҳ таоло барчамизга тилимиз орқали кўплаб хайрли амалларни қилиш ва Ўзи рози бўлмайдиган ишлардан тилимизни тийиш бахтини насиб этсин! Омин!

Ҳурматли имом-домла! “Ҳидоят”, “Мўминалар” журналлари ва “Ислом нури” газетасига обуна бўлишни жамоатга эслатиб қўйишингизни сўраймиз.

Ҳурматли имом-домла! Келаси жума маърузаси **“Ота-онани рози қилиш – фарзандлик бурч”** мавзусида бўлади, инишааллоҳ.